

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 72 (2105). 11 апрель, чоршанба, 1962 йил. Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА ЭКИШНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАБ, ЧИГИТНИ ТЕКИС УНДИРИБ ОЛАЙЛИҚ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИБ ЮБОРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети чигит экишни тугаллаш, уни текис ундириб олиш ва экинларни парвариш қилишчи кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқди-лар ҳамда қарор қабул қилдилар. Қарорда айтиладигани, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари ва КПСС Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалигини бошқаришни қайта» қуриш тўғрисида»ги қарори қишлоқ меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини жуда ошириб юборди. Партия тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун кураш янги куч билан авж олиб кетди.

Республикада қишлоқ хўжали-гига раҳбарлик қилиш юзасидан тугалланган территорияларда ишлаб чи-қариш бошқармалари ўларнинг бу-тун фойдаланиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини еттиштиришни кўпайтиришга қаратилган.

Республикада қўлгана кол-хоз ва совхозларнинг меҳнат-кашлари бу йил 3 миллион 350 минг тонна пахта етиш-тириш юзасидан социалистик маж-буриятларни бажариш учун кура-шиб, қулай шартондан фойдалан-ган бўлиб қолди. Улар чигит эки-шини тугаллашда, уни текис унди-риб олимоқдалар, ғўза парвари-шини бошлаб юбордилар. Анди-жон облати чигит экиш плани-ни 61 процентдан кўпроқ бажир-ди, бу облатдан Пахтабод, Ол-тинқўл, Хўжабод, Чинобод, Мар-ҳамат ва Холдөвобек районлари чигит экишини тугалламоқдалар, шу билан бирга улар чигитни квадрат-уялаб экиш топшири-гини анча ошириб бажардилар.

Оржоникидзе, Янгйер, Оққў-рон, Қорақўл, Ангор, Жарқўрон, Термиз районлари, бошқа район ҳамда облатларнинг қўлгана хў-жаликлари чигитни тез суратлар билан экимоқдалар.

Илгор районларида, колхоз ва совхозларда ер экиш олдидан ях-ши ишланганлиги, тупроқда нам тўлганлиги, дала яхшилаб те-

кисланганлиги, бегона ўтлар ил-диш билан йўқ қилинганлиги, ми-нерал ва маҳаллий ўғит солинган-лиги ҳамда фан ютуқлари ва ил-т тадбирларини амалга оширилган-лиги чигит экишни муваффақил-лаш ўтказишга имкон берди.

Ўзбекистон КП Марказий Коми-тети ва Ўзбекистон ССР Минис-трлар Совети шу билан бирга қайд қилдиларки, айрим облат-лар, районлар, колхоз ва совхоз-лар бу йилнинг ўзига ҳос ҳусуси-итларини ҳисобга олмаётганлар, чигит экишда энг қулай мўдда-ларни бой бериб қўймоқдалар.

Самарқанд, Фарғона ва Бухоро облатлари чигит экишни жуда ке-чиниб бошладилар. Хоразм облат-ти ва Қорақалпоғистон АССРнинг хўжаликлари чигит экишга илди-гина киришмоқдалар. Жуда кўп экиш агрегатлари ҳали ҳам ишга солинмаган, уларнинг иш унуми паст. 7 апрель кунги Самарқанд облатида экиш агрегатларининг 60 проценти, Фарғона облатида ярмиси ишланмади. Бухоро облат-тида ҳар бир агрегат билан қуни-га 3-4 гектар ерга чигит экилмоқ-да, ҳолос. Тошкент, Бухоро ва Самарқанд облатларининг хўжа-ликлари чигитни квадрат-уялаб экишни сабабсиз орқага сурмоқда-лар, қўлгана облатларда эса чигитни уяларга уруғлини бел-гиланган миқдорда ташлийдиган сеялкалар билан экиш аслида бошланган эмас.

Айрим партия, совет ходимлари-нига ва мутахассисларнинг агро-техника қондаларининг бузилиши-га принципнолик, келишувчанлик билан қарашлари сира чидаб бўл-майди ҳолдир. Чигитни яхши ишланмаган ерларга экиш, чигит-ни саёз экиш ёки ҳаддан ташқари чўқур ташлаб кетиш, квадратлар-нинг аниқ чимаслиги, қаторлар-нинг нотўғри бўлиш ҳоллари кўп учрамоқда. Қўлгана майдонларга чигит экишга қадар ўғит солилма-ган ва ҳозир ҳам ўғит солилмаган-ли. Бир қатор хўжаликларда ге-ктарларнинг тўлиқ бўлиш учун қайғирилмаётган, уватларга ва ер бурчаларига чигит экилмайпти.

Тупроқда нам сақлаш учун ер-ни боролаш ўз вақтида ўтказил-майпти. Нам етарли бўлмаган

участкаларда чигит суви бериш бошлаб юборилган эмас.

Ўзбекистон КП Марказий Ко-митети ва Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Совети таъкидлашдики, маҳаллий партия, совет ва иш-лоқ хўжалик органлари чигит-ни текис ундириб олиш учун за-рур тадбирларни кучайтирмай-лар ва оқибатда ўтган йилларда-ги хатоларни сабабли ўтган йил-да хўжаликлар чигитни барвақт экишининг афзалликларида фойда-ланомай қолган эдилар. Респу-блика пахта етиштириши 1961 йилдаги нисбатан 11-12 процент кўпайтириш лозим бўлган бу йилги шартонда чигит экиш билан ғўза парвариш ўртасида озгина бўлсада узилишга йўл қўйиш му-мкин эмас. Ғўза парвариш билан боғлиқ бўлган ҳамма тадбирларни ўз вақтида амалга оширган та-дбирларга пахта етиштириш юз-асидан олинган социалистик маж-буриятларни муваффақиятли ба-жаришга имкон бўлади.

Ўзбекистон КП Марказий Ко-митети ва Ўзбекистон ССР Минис-трлар Совети қўлоқ хўжалик-лари ўртача ва илгор хўжалик-лари даражасига етказиш ва КПСС XXII съездининг ҳар бир колхоз ва совхозда пах-та майдонининг гектаридан на-мида 25 центнердан ҳосил олиш тўғрисидаги талабини бажариш маҳаллий партия, совет ва иш-лоқ хўжалик органларининг асо-сий вазифасидан бири бўлиши ке-рак, деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Ко-митети ва Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Совети шуни алоҳида кўрсатиб ўтадиларки, социалистик мажбуриятларни бажариш—пар-тия, совет, қишлоқ хўжалик ор-ганлари ва сув хўжалик органла-рининг асосий вазифасидир. Ғў-залининг 1962 йилда Ватанга 3 миллион 350 минг тонна пахта, шу жумладан Тошкент облати 503 минг тонна, Фарғона облати 458 минг тонна, Андижон облати 770 минг тонна, Самарқанд об-лати 405 минг тонна, Бухоро об-лати 307 минг тонна, Сурхондарё облати 417 минг тонна, Хоразм облати 290 минг тонна ва Қора-қалпоғистон АССР 240 минг то-на пахта етказиб бериши керак.

Республика қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш чигит экиш-ни лаврига, мўл ҳосил учун за-мин ҳозирлаш лаврига тўғри ке-лган бу йилги шартонда ишнинг муваффақиятли қишлоқ хўжалик мутахассисларининг кўп миң ки-шилик армиясидан, айниқса, те-рриториал ишлаб чиқариш бошқа-рмаларининг мутахассисларидан тўғри фойдаланишга боғлиқдир. Мутахассисларнинг барча кучи, ғайрати ва тажрибаси энг аввал бегона бургаларда, бўлимлар-да, колхоз ва совхозларда экиш-ни яхши ташкил қилишга қаратилмоғи лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш минис-трлиги, облат ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, об-ласт ва район ижроия қўмитет-лари, территориал ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари зиммасига ғўзанинг тез ўсишини таъмин-лаш мақсадига чигит экишни барвақт тугаллаш, дала иш-ларининг сифатли бўлишини таъ-минлаш, сув ресурсларидан тўғ-ри фойдаланиш, ўғит солиш учун барча чораларни кўриш ва-зифаси юклянади. Шу таъкидла-лар ва раҳбарларга ҳамма май-донда экинларни ёлпизга тек-штириб чигитни ташлаб кетиш ва экиннинг аҳолига қараб ёғин-гарчиқдан сўнг тупроқни юм-шатилиш, чигит суви бериш, ола-сига экиш ва чигит қимай қол-ган уяларга ҳамда ўсимлик етар-ли миқдорда бўлмаган уяларга кўчат ўтказиш, ўқариқ ёқаларига, уватларга ва ер бурчаларига чигит экиш, ҳар бир уяда зарур миқдорда яхши, соғлом ўсимлик-ларни қолдириб ва буткетларни ростилаш ҳамда бошқа агротех-ника тадбирларини амалга ошириш топширилди. Буткетларни тўғри ва ўз вақтида ростилаш алоҳида эътибор бериш керак, токи экин-ларни узунасига-қўндалангига ме-ханизмлар билан парвариш қилиш ва кетмон чопилган воз кечиб учура қулай шартон яратилсин.

(Охири учинчи бетда)

КВАДРАТ-УЯЛАБ ЧИГИТ ЭКИШ ПЛАНИ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛСИН!

ЧИГИТ

ЭКИШНИ ҚУЛАЙ
МУДДАТЛАРДА ВА



А. Холмқов ишлаган расм.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ЧИГИТ ЭКИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Областимиз далаларида чигит экиш қизғин бормоқ-да. Илгор хўжаликлари, бри-гадада экиш планини ба-жарганликлар тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Кеча Қуйи Чирчиқ райо-нидан ҳам хушхабар олин-ди. КПСС Марказий Ко-митети март Пленуми қаро-рларидан руҳланиб район пахтакорлари чигит экиш планини облатида биринчи бўлиб бажардилар. Шуниси қўвончлики, районда ква-драт-уялаб чигит экиш юз-асидан берилган топшириқ ҳам 100 процент адо этил-ди.

Экишни тез ва сифатли ўтказишда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ишчилари, механизаторлари айниқса фидокорлик кўрс-атиб ишлаб, яхши натижа-ларга эришдилар.

Ҳозир районда олди эки-ган қараларда чигит ёппа-сига ушиб чиқабошляди.

МУСОБАҚАДОШ САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН ХАТ

Партия ва ҳукуматимиз, пах-такорларимизнинг қадридон ўс-ти ўртоқ Н. С. Хрушчев биз деҳқонлар олдида ҳосилдорлик-ни ошираётганини, дала ишлари-ни комплекс механизациялаш-тириш асосида маҳсулот та-йинишнинг фазлини, маъсулиятли вазифани қўйди. Бригада-ми аъзолари бу вазифани ба-жаришга муносиб ҳисса қўйиш мақса-дида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

1958 йилдан буён бригада-га бошчилик қиламан. Мен қа-бул қилиб олган бригада ер-ларидан у вақтда 25—28 центнердан ҳосил олишарди. Бригадами аъзолари билан масхалашиб, ички резерв-ларни қидира бошладим. Ер-сув шартонимиз яхши, иқли-мимиз ҳам соғ. Шундай экан, нега ҳосилдорлик оинириш мумкин эмас. Ҳар биримиз анд шу тўғрисида бош қотирдик. Шу мақсадда деҳқончилик ма-данийтини ошириш, ерларнинг структурасини яхшилашга ки-ришдик. Ишлаб чиқаришга ян-ги, прогрессив методларни из-чиллик билан жорий эта бош-ладик. Кетмон ўрнини техни-ка ағзаллаш бошладим. Йил са-йин машина терими кенгайиб борди. Экиндан тортиб ғўза парваришигача бўлган барча ишларни юксак агротехника муддатларида ўтказишга ода-ландик. Саҳни ер меҳнатимиз-га яраша ҳосил берабошладим. Ўтган йилга келиб 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 46 центнердан ҳосил кўтардик.

Мен қишлоқ хўжалик ходи-мларининг яқинда бўлиб ўтган облати кенгашида иштирок этдим. Кенгашида КПСС Мар-казий Комитети март Плену-минг хўжалигини ривожланти-риш соҳасидаги вазифалар ҳа-қидаги докладни мароқ билан тингладим. Докладдаги ҳар бир

КВАДРАТ ЭКАЁТГАНЛАР ҚАНИ?

Кейинги тўрт-беш йил ичида бу колхознинг кўрсаткичлари анча па-сайиб кетди. Пахта тайёрлаш давлат плани бажарилмасдан, хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам оқсаб қолди. Шунинг учун ҳам колхозчилар йил бошида бўлиб ўтган ҳисобот-сайдол йилгилишда колхоз раиси ўртоқ Барат Умаровни вазифасидан четла-тирдилар. Унинг ўрнига экономист ўр-тоқ Урибой Султонов раис қилиб сайланди. Йилги раис ишни янги-ча бошлади. Бригадада малакали, таж-рибали пахтакорлар билан мустаҳ-камланди.

Мана, ҳозир колхозда экиш иш-лари қизғин давом этмоқда.

— Олди бригадаларда экиннинг тугалланганлигини эшитдик. Бу, ал-батта, яхши. Бироқ квадрат-уялаб экиш қандай борапти? Биз колхоз экономисти ўртоқ Ёсенбоевга шу са-волни бердик.

— Бизда, — деди у, — ҳаммаси бўлиб 745 гектар пахта майдони бор. Шундан 250 гектарига квадрат-уялаб экамиз.

— Ҳозир қаерда квадрат экила-япти?

— Иккинчи ва учинчи бригада-ларда.

Ғўза бригадалар томон йўл олдик. Мана, ўртоқ Халил Абдувоҳидов

бошлиқ бригада даласига ҳам етиб келдик. Қартининг ўртасида режа сими турбиди. Афтидан тракторчи-лар квадрат ақратилган қартининг армидан сал ошгандан кейин иш-ларни осонига қўчишибди. Кенг кар-тининг бир чеккасида экиш бора-пти, лекин олди уюсула.

Тракторчи Яхё Султонов билан суҳбатлашдик. У, ана шу қарталар-нинг ҳаммаси квадрат-уялаб экишга ажратилганлигини айтди.

— Нега ҳозир квадрат экила-яптилар?

— Чунки бу ерлар қийим жой-лар, шунинг учун экиб бўлмайди. Тракторчининг бу жаовига бир томондан қўшилиб бўлади. Лекин диққат билан қараган киши «қий-им» деган баҳона билан ҳатто кат-та ва текис қарталарга квадрат-у-ялаб экилаётганини пайқаб олади.

— Энди квадрат экаётганларни қаерда учратсак бўлади?

Бизнинг бу саволимизга ёнимизда турган бригада бошлиғи Халил ака жаов берди:

— Зиннат опа Мусаева бригада-сида квадрат-уялаб экувчи экипаж ишляпти. Ҳўз ана.

Лекин, афсуски бу бригадада ҳам саволимизга жаов ололмадик. Кол-хоз агрономи ўртоқ Жўра Насрулла-ев шу ерда экан. У ҳам бош биз суҳ-

Н. РИХСИБ.

ДАЛА ИШЛАРИ КҰНДАЛИГИ

ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Област колхозлари ва совхозларида бу йил 140,5 миң гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилади. Квадрат экиш суръ-ти умуман олганда ўтган йилдагига қараганда анча юқори, ле-кин кўп колхоз ва совхозлар бу соҳада оқсамқдалар.

Янгйўл районининг хўжаликларида квадрат экиш жуда сует бормоқда. Қалинин номли колхозда ҳозиргача 372 гектар ерга чигит экилган бўлса, шундан атиги 23 гектари квадрат-дир. Шунингдек «ХИХ партсъезд» колхозида ҳам квадратнинг қадрига етмаётганлар.

Оржоникидзе районидидаги хўжаликларида ҳам бу ишни ях-ши деб бўлмайди. Район чигит экиш планини 84,7 процент ба-жарди, режа сими тортиб квадрат-уялаб экиш плани эса атиги 52,3 процент бажарилди. Аниқ уруғ ташлайдиган сеялка би-лан экиш тоширини эса 26,3 процент бажарилди. Шунингдек максажхорини квадрат-уялаб экиш плани ҳам жуда сует ба-жарилмоқда.

Чиноз районидидаги колхозларда ҳам квадрат экиш талабга жаов берилади. Айниқса, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» та-лий-намунга колхозини ҳамда «Москва» колхозларидаги аҳвол кишини ажаблантирди. Бу колхозларда ҳамма имконият бор бўлишига қарамастан квадрат экишга эътибор берилмаётган.

Бўка, Ўрта Чирчиқ, Писент районлари ва облатдаги бош-қа районларнинг айрим хўжаликларида ҳам экиннинг бу про-грессив усулига нотўғри муносабатда бўлимоқда.

Бўка, Оққўрон, Ўрта Чирчиқ районларида ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, экинжаг агрегатларининг қўлгана шахсий составлари режа сими тортиб чигит экишни яхши ўз-лаштириб олмаганлар. Улар сеялкани солашгани яхши билма-дилар. Қўлгана хўжаликларида аниқ миқдорда уруғ ташлаб экидиган сеялкалар разрезбелар билан жиҳозланмаган. Тракторларга ўғитлагичлар ўрнатилмаган.

Ғашнат қулар ўғит борапти. Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалигини бошқариш ор-ганлари квадрат экиш, айниқса, аниқ уруғ ташлайдиган сея-калар билан экиш планининг сўзсиз бажарилиши учун барча чораларни кўришлари керак.

Мутахассислар квадрат-уялаб экувчи агрегатларда ишлаёт-ган кишиларга амалий ёрдам бериб, ишнинг жўналиш кетиши учун қурашчилар лозим. Бу ишларни бажаришда ишлаб чи-қариш территориал бошқармаларининг таъкидлагич инспектор-лари, облати партия комитети партия таъкидлагичлари — ин-спекторларнинг роли каттадир. Улар экин қизитиб юборилган ҳозирги қуларда бегона колхоз ва совхозларнинг далалари-да бўлиб, аниқланган намчиликларни ўша жойнинг ўзида туга-тиш чораларини кўрсинлар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«КОСМОНАВТИКА КУНИ» БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети Президиуми совет кишининг жаҳонда би-ринчи марта космосга қилган парвозини нишонлаш юзасидан қарор қилди:

«Космонавтика кунини» байрам қилиш белгилансин.
«Космонавтика кунини» ҳар йили 12 апрелда нишонлансин.
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль, 1962 йил 9 апрель.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети меҳ-наткашларнинг истаklarини эъти-борга олиб, дам олиш кунини

1962 йил 29 апрель яшанба ку-натида 30 апрель душанба кунига кўчиришга қарор қилди.

КПСС делегацияси Венгрия Халқ Республикасида жўнаб кетди

Венгрия Социалистик ишчи пар-тияси Марказий Комитетининг таъкидига буюн КПСС Мар-казий Комитетининг секретари А. Н. Шеленгин бошлиқ КПСС партия ходимлари делегацияси 9 апрелда самолётда Москвадан Венгрия Халқ Республикасида жў-наб кетди. Делегация составига қуйилганлар кирди: Арманистон КП Марказий Комитетининг сек-ретари О. М. Вагдасарян, КПСС Марказий Комитети иттифоқчи республикалар партия органлари бўлими мудирининг биринчи ўри-ни, босари П. Ф. Пигалов, КПСС

Ростов облати комитетининг сек-ретари Л. И. Маяков, Украина КП Киев облати комитетининг секретари А. И. Ботвин, КПСС Саратов облати комитетининг секретари З. М. Бубинова, КПСС Москва шаҳар комитетининг сек-ретари Г. Н. Бочкарев, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретари Ю. А. Лавренко, КПСС Марказий Комитети бўли-мининг сектор мудирини С. Г. За-воляжский, Делегация Венгрия Со-циалистик ишчи партияси партия таъкидлагичларининг иш таърибаси билан танишди.

Маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ҳодимлари касабаси союзининг съезди

МОСКВА, 9 апрель. (ТАСС). Бугун маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ҳодимлари ка-сабаси союзининг III съезди очил-ди. Съездда совет олимлари, ле-дагоглари, халқ маорифи органлари ҳодимларининг, иттифоқчи рес-публикалар маориф министрли-лари ва мамлакатдаги олий ўқув юртлири ҳодимларининг қарийб 4,5 миллион кишинлик армиясидан

вакил қилинган 500 га яқин деле-гат қатнашмоқда.
Касаба союзини Марказий Коми-тетининг раиси И. И. Гришков ҳаёбобот доклады қилди.
Доклад юзасидан музокара-лар бошланди.
Съезд номига Польша, Венгрия, Вьетнам, Демократик Респу-бликаси ва бошқа мамлакатларнинг маориф ҳодимларидан таъриқлар келди.

ЭЛЛИК ЦЕНТНЕР УЧУН



Ўртоқ А. МҰМИНОВ.

